25 03 97

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

22 март, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 63 (1580)

*Барчамизнинг эзгу ниятимиз -- юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, оиламиз ва фарзандларимиз, ёру биродарларимиз соғ-саломат, бахтли-саодатли бўлсин.*

# БУНДА ТОЛЕ ҲАР НАРСАДАН МЎЛ





## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

***Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар, қадрли меҳмонлар!***

***Авваламбор, ота-боболаримиздан қолган қадриятларимизга амал қилиб, бизни шу мўътабар кунларга -- янги йилга, Наврўз айёмига етказгани учун яратганимизга шукрона ва ҳамду санолар айтишимиз даркор.***

***Ўзининг буюк фазилатларига ҳамиша содиқ бўлиб, мураккаб синов даврларида ҳам Наврўздек ноёб урф-одатини кўз қорачиғидек асраб, эъзозлаб келган аждодларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, албатта.***

***Асрлар бўйи, минг йиллар давомида Наврўзи олам халқимизда, ҳар бир оилада, ҳар бир хонадонда энг орзиқиб кутиладиган хурсандчилик, гўзаллик ва нафосат куни, баҳор фаслини намоён қиладиган байрам бўлиб келмоқда.***

***Наврўз -- табиатнинг уйғониш, яшариш фасли. Табиат уйғонар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Шу билан бирга инсон билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги умид ва орзулар кириши табиийдир.***

***Барчамизнинг эзгу ниятимиз -- юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, оиламиз ва фарзандларимиз, ёру биродарларимиз соғ-саломат, бахтли-саодатли бўлсин.***

***Шубҳа йўқ -- кейинги йилларда қилган меҳнатларимиз, чеккан заҳматларимиз асло зое кетмайди. Янги йилга -- Инсон манфаатлари йилига қадам қўяр эканмиз, бунёд этган пойдеворимиз шу эзгу ниятларни амалга оширишга хизмат қилиши, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётини яхшилаш учун ўз ижобий самарасини бериши муқаррар.***

***Ишонаман, жамиятимизда, хонадонимизда ўзаро аҳиллик, тинчлик-тотувликни сақлаб, асраб-авайлаб яшар эканмиз, ҳаётимизни шу асосда қурар эканмиз, янги йилимиз ҳам кўп миллатли меҳнатсевар халқимиз учун қут-баракали бўлажак, иншооллоҳ.***

***Муҳтарам дўстлар!***

***Тинчлик барқарор бўлган юртга байрам ярашади. Ҳаловатли элнинг баҳори ҳам, ёзи ҳам, кузи-ю, қиши ҳам -- қўйингки, ҳар бир куни файзли-тароватли бўлади. Тотувлик, осудалик бўлган жойдан бало-қазолар йироқ юради.***

***Наврўз яна бир хислати билан бизнинг миллий табиатимизга яқин. Шу кунларда эски гина-кудратларни, ҳар хил ёмонликларни эсдан чиқариш, меҳр-оқибатли, мурувватли бўлиш, бева-бечораларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, етим-есирларнинг кўнглини олиш сингари, Оллоҳнинг ўзи эл-юртимизга ато этган ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган фазилатлар ҳам Наврўзнинг олижаноб моҳиятидир.***

***Илоё, шу қутлуғ тонгда сепган уруғларимиз, ўтқазган кўчатларимиз мўл-кўл ҳосил берсин!***

***Юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака аримасин!***

***Наврўз саҳарида қилган тилакларимиз ижобат бўлсин!***

***Муқаддас Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!***

***Умримизнинг ҳар дақиқаси Наврўзга айлансин!***

***Яна бир бор барчангизни улуғ айём билан муборакбод этаман, азиз Ватандошларим!***

## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ЎТКАЗИЛГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

Серқуёш ўлкамиз -- она Ўзбекистонимизга яна Наврўзи олам келди. Наврўз -- яратганнинг тенгсиз заковатидан нишон, она табиатдаги мутаносибликнинг олий белгиси, содда қилиб айтадиган бўлсак, заминда қиш салтанати ниҳоя топиб, кеча ва кундуз тенг келадиган янги кундир. Бу муборак айёмда гина-кудуратлар унутилади, қуроллар қўлдан тушади, табиат ҳам, унинг энг буюк хилқати инсон ҳам янгиланиш, тозариш, покланиш фаслига киради...

Мустақиллик шарофати ила бу кун нуфузли қадриятга, диёримизда истиқомат қиладиган барча миллат вакилларининг бетакрор умумхалқ байрамига айланди. У инсонлар ўртасидаги дўстлик, хайрихохлик ва меҳр-мурувват рамзи бўлиб қолди.

21 март. Соат 11. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи байрамона безатилиб, ўзгача тароват, файз касб этган. Қатор-қатор расталарда халқ ҳунармандчилиги кўргазмаси намойиш қилинмоқда. Баҳор ноз-неъматлари, янги униб чиққан буғдой майсалари, гуллар кўзни қувонтиради. Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган меҳмонлар, дипломатик корпус раҳбарлари байрам бошланишини кутмоқда. Бу ерда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг, республика Бош вазирининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлган.

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов кириб келадилар.

Байрам бошланишидан дарак берувчи, йиғилганларни тантанага чорловчи Наврўз даъватномаси янграйди. Борлиқни шўх мусиқа садолари, кичкинтойларнинг шодон кулгулари тутади. Дорбознинг абжир ҳаракатлари шарқона шижоатдан дарак беради. Майдонда ёруғ келажагимиз, пок ниятимиз, орзу-умидларимиз тимсоли -- мовий, яшил ва оқ рангдаги ҳарир байроқлар, раққосалар намоён этган алвон лолалар ажиб чаманзорни эслатади. Ҳаво шарлари кўкка парвоз қилади.

Сўз республика Президенти Ислом Каримовга берилади. Юртбошимиз байрам қатнашчиларини, улар сиймосида бутун Ўзбекистон аҳлини, узоқ-яқиндан келган меҳмонларни қутлуғ айём билан муборакбод этади.

Улкан саҳна узра қишнинг суронли овози эшитилади. Қорбўрон авжга чиқади. Аста-секин борлиқ тин олиб, ҳаёт тимсоли -- ниҳол пайдо бўлади. Қуёш заррин нурларини сочади. Меҳнаткаш инсон сиймоси гавдаланади. Дарҳақиқат, Наврўз табиатнинг уйғониши, ризқ-рўзимиз яратувчиси бўлмиш деҳқон далага чиқадиган палла -- меҳнат онлари ибтидосидир. Санъаткорлар мамлакатимизда деҳқон меҳнати қанчалар эъзозланаётганини, Наврўз билан боғлиқ турфа манзараларни ифода этадилар: келиларда буғдой туйилиб, дошқозонларда сумалак қайнайди.

Беихтиёр кўнгилдан шундай туйғу кечади: куртак очган дарахт ҳам, сумалак ҳам, ерга сочилган дон ҳам -- ҳаммаси инсон учун, унинг эҳтиёжлари учун яратилгандек, аслида ҳам шундай эмасми.

Юртбошимиз 1997 йилни Ўзбекистонда «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилди. Зотан, амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам, Асакадаги «ЎзДЭУавто» заводида чиқаётган машиналар ҳам, яқинда ишга тушадиган Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи каби улкан иншоотлар ҳам, «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси ва бошқа қатор қурилиш ташкилотлари бунёд этаётган шинам уйлар ҳам инсон манфаатлари -- эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қилади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда миллий қадриятларни тиклашга, халқимизнинг ўзлигини англашига, одамлар қалбида юксак маънавиятни камол топтиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишга киришилди. Тарихимиздаги буюк сиймолар қадр ва эъзоз топмоқда. Ўтган йили дунё миқёсида нишонланган соҳибқирон Амир Темур таваллуди байрами ана шу ҳайрли ишларнинг гултожиси бўлди. Бу йил қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хеванинг икки ярим минг йиллик юбилейини байрам қиламиз.

Наврўз боис қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳам ҳаётга қайтмоқда. Инсоннинг тақдири, бахту иқболи, фазилатлари, у қайси юлдуз остида дунёга келгани -- мучалига ҳам боғлиқ, дейдилар. Хусусан, товуқ йилида туғилганлар -- инсонпарварлиги, ит мучалидагилар -- вафодорлиги билан ажралиб турармиш. Йўлбарс эса -- мардлик ва шиддаткорлик тимсоли экан.

Майдонда улкан шарлардан ясалган 12 мучал қиёфаси пайдо бўлади. «Мучал» деб номланган вокал-хореографик композицияда ҳар бир буржнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи қўшиқ ва рақслар ижро этилади.

Бу йил тақвимга кўра сигир -- яъни, қут-барака йилидир. Унинг:

**Ерга дон сочдим -- мўл бўлади,**
**Элга сут бердим -- кўл бўлади,**

деган сўзларида ҳам ана шу теран маъно зоҳир.

Зотан, ўтган йили республикамиз иқтисодиёти барқарорлашди. Ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайишига барҳам берилди. Насиб этса, 1997 йил иқтисодий юксалиш йили бўлади. Тўрт миллион тонна пахта етиштирилади. Тўлиқ ғалла ва нефть мустақиллигига эришилади. Янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилади. Булар барчаси халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати самараси, қолаверса, сигир йилининг хосияти бўлса, не ажаб.

Мўътабар она байрам қатнашчиларини, барча юртдошларимизни қутлайди, дуои фотиҳа қилади. Она тилаги, дуоси, албатта, ижобат бўлади, дейдилар. Келинг, биз ҳам унга қўшилайлик: қайси бурж остида туғилган бўлсак-да, бахт-саодатли бўлайлик, юртимиз мангу озод ва обод бўлсин!

Байрам тантаналари давом этади. Саҳнага бирин-кетин вилоятларнинг вакиллари -- бадиий жамоалар, фольклор-этнографик дасталар қатнашчилари кириб келади. Улар ўзига хос либослари, ижро этган рақс ва халқ ўйинлари билан халқимиз меҳнатини, удумларини ифодалайдилар. Наврўз -- баҳор, меҳр ва мурувват байрами эканини акс эттирадилар. Зеро, байрамга бутун республикамизда пухта тайёргарлик кўрилди. Кенг миқёсдаги ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу тадбирларда минг-минглаб ватандошларимиз иштирок этдилар. Ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, кўнгилларини кўтариш, уларга ёрдам кўрсатиш яхши одатга айланиб қолди. Ҳокимликлар, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, меҳнат жамоалари вакиллари бу хайрли ишларга бош-қош бўлди. Ҳеч ким ғамхўрлик ва эътибордан четда қолмади. Бу Наврўз байрамига янгича мазмун бахш этди, уни барча миллатларнинг иноқлик, хайрихоҳлик айёмига айлантирди.

Туронзамин халқлари қадим-қадимдан ёр-биродар, қуда-қудағай бўлиб яшаб келадилар. Улар Туркистонни умумий уйимиз, деб биладилар. Ягона чинорнинг шохлари бўлган, бир дарёдан сув ичадиган бу халқларнинг дини, тили ва маданияти юлдузлари ҳам бирдир. Мустақиллик йилларида ана шу тарихий дўстликни янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида кўп саъй-ҳаракат қилинди. Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этилди. Туркистон халқлари маданиятлари ассамблеяси тузилди.

Майдонда ана шу қардошлик рамзи -- улкан чинор гавдаланади. Байрамнинг «Туркистонда баҳор», «Туркистонда Наврўз» бадиий қисмида мазкур минтақа халқлари вакиллари ўз санъатларини намойиш этдилар. Қозоқ, қирғиз, туркман, тожик куй, қўшиқ ва рақсларида халқлар дўстлиги улуғланди. Зотан, бу қўшни, қон-қардош халқларнинг тақдири, муаммолари ва келажагини айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, тўю тантанамиз ҳам, байрамимиз ҳам биродарларимиз иштирокисиз бизга татимайди.

...Қуёш юксалиб, тобора мўл-кўл нур сочади. Нур -- меҳр демакдир. Шунда юракда Ўзбекистон аталмиш муқаддас юртимиздан яратганнинг назари, меҳр-саховати ҳеч қачон дариғ бўлмасин, бошимиз узра қуёш абадий нур сочсин, меҳнаткаш халқимиз бунданда ёруғ, фаровон кунларга эришаверсин, деган тилак уйғонади:

**Мана сенга олам-олам гул,**
**Этагингга сиққанича ол.**
**Бунда толе ҳар нарсадан мўл,**
**То ўлгунча шу ўлкада қол.**

Байрам тантанаси халқимиз санъатининг, топқирлигининг ёрқин намойиши бўлди. Бу театрлаштирилган томоша сценарийси муаллифи -- Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, бош режиссёр -- Ўзбекистон халқ юртисти Рустам Ҳамидовнинг сидқидилдан қилган ижодий меҳнатлари самарасидир.

Шу куни азим Тошкентнинг барча майдонларида, маҳаллаларида, хиёбону мавзеларида байрам шодиёналари давом этди. Ўйин-кулги, мусиқа садолари тинмади. Дошқозонларда сумалак, халим қайнади. Наврўз неъматлари шаҳар меҳмонларига тарқатилди. Саховатпеша халқимизнинг бағрикенглиги, кўнгли очиқлиги яна бир карра намоён бўлди.

Алишер Навоий номидаги миллий боғда бошланган байрам тантаналари бутун мамлакатимизга ёйилди. Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоят ва туман марказларида, шаҳар-қишлоқларда халқ сайллари бўлиб ўтди. Юртдошларимиз тинчлик ва барқарорлик, ёруғ кунлар учун шукроналик ҳис-туйғуларини изҳор этдилар.

Байрам боис кўнгилда шундай ғурур уйғонади: ҳа, давлатимиз раҳбари лутф этганидек, ҳақиқатан ҳам ўзбек дунёда ҳеч кимдан кам эмас, қолаверса, инсоф ва адолатли, оғир-вазмин, эътиқодли, меҳнатни олий ибодат деб биладиган, ҳеч кимга ёмонлиги йўқ халқгина шундай байрамларни ўтказишга қодир, нурли, саодатли онларга мушаррафдир.

**Аҳмад ХЎЖА.**
**(ЎзА).**
**М. АМИН олган суратлар.**

## ҚУЁШ ҲАМИШАГИДАЙ ... БИРОҚ ОДАМЛАР ЮРАГИ ЧАРОҒОН ЭДИ

**(МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ ЎЙЛАР)**

Тасаввур қилинг: Сиз куйлайсиз. Кимдир ёки қандайдир куч шу қўшиқни маън этади. Ёҳуд Сиз эътиқод қўйган, кўнглингизда буюк эҳтиром бўлган нимарсани йўқ қилишга, чиппакка чиқаришга уринади. Айни дамда ўша куч ғолиб ҳам келиши мумкин. Сиз жисмонан мағлубсиз. Бироқ кўнглингизда қандайдир оғриқ уйғонади. Ўша оғриқ тамоман таслим бўлмаганингиздан дарак. Инсонни эса ҳеч қачон енгиб бўлмайди... Айниқса, унинг шаъни, қадрини ерга уриш билан ҳеч нарсага эришиш мумкин эмас.

Барча воқеа-ҳодисотларни тушунтириб беришнинг иложи йўқ. Баъзида улар АНГЛАНАДИ. Шу даражага эришилган моҳият ўз-ўзидан мангудир. Озодликка интилишни тўхтатиб бўлмагани каби, халқнинг қадимги удумларини йўқотиб юборишга ҳаракат мутлоқ бемаъниликдир. Қизиқ, ТЎРТ МИНГ йилга яқин тарихи бор, улуғ айёмни турли кўринишларга солиш, унга сиёсий тус бериб қолиплаштириш, баъзан тўхтатиб қўйишга уринишни нима деб тушуниш мумкин? Англаган ҳақиқатингизни доимо ҳар хил изоҳлар ва йўналишлар билан йўқотиб бўлмайди. Наврўз ана шундай байрам эди.

БУНДАН ТЎРТ МИНГ ЙИЛ илгари ҳам замин бор эди. Осмонда қуёш порлар эди. Ёмғир ёғарди. Булутлар сузарди... Қишнинг қаҳридан қутилган борлиқ бугунгидай гўзал кўринарди. Ана шунда одамлар ерга уруғ сочарди. Янги кун -- Наврўз ҳаёт, тириклик, ризқ манбаи сифатида улуғланарди, саодатли дамлар саналарди. Қадим боболаримизнинг дилидаги орзу армонлари, ўзларидай улуғ тилаклари дон каби ерга сочилган, яшариш, яшаш сифатида қадрланган кун эди Наврўз. Керак бўлса янги кунимиз зардуштийлик таълимотигача бўлган даврда ҳам эъзозланган.

Орадан жуда кўплаб сувлар оқиб ўтди. Бу чархи дунёга дарёларни тескари буришга қурби етгудай жаҳонгирлар келиб кетди. Қарашлар ўзгарди. Ғоялар бир-бирини ғажиди. Бир юрт бошқасини босиб олди, яна қўлдан берди, ғолиблигу мағлубликлар давом этаверди. Аммо қавмдошларимиз қалбидаги тириклик ва баҳорнинг ризқ улашуви кунига нисбатан ардоқ туйғусини ҳеч нарса олиб ташлай олмади.

Бугун Ўзбекистонда қуёш ҳамишагидай. Осмон ҳам. Бироқ одамлар бошқача... Уларнинг ботинидаги ҳаяжон ўзга. Ҳамма энг азиз тиликларини, тинч тотувликни юрагига жойлаган. Ана шу боис онажонимиз, озод диёримизнинг бағрида ёп-ёруғлик... Узун-узун, чароғон ўйлардайин, фалакларга эзгуликлар олиб учган куйлардайин бутун бир мамлакат шу рўйи заминда фараҳбахшлик оғушида парвоз қилаяпти. Халқи тинч бўлса, байрамини тинч ўтказса, озод инсонлар кўчаларда дарёдай оқса, бир-бирини қутласа ўша мамлакат парвоз қилмай қандай мамлакат парвоз қилади. Кексалар элга фаровонлик, юртбошига узоқ умр, юртнинг осойишталигидан мамнун бўлиб дуога қўл очиб турса, тўрт минг ёшли Наврўз бобо ўз қадру-қимматини қадим тарихлар оша бўй чўзиб кўриб турса ўша мамлакат парвоз қилмаслиги мумкинми? Бутун дунёнинг рамзий ифодаси акс этган пойтахтнинг Мустақиллик майдони шодликка тўлиб, базм авжга чиққач, бу мамлакат парвозда демасликка ҳаққимиз борми? Қўлларида байроқчалар ушлаб олган болажонлар ёнига боринг. Беғубор юртнинг тозадил жажжиларидан сўранг:

-- Исминг нима?

-- Жавоҳир.

-- Сеники-чи?

-- Севинч.

-- Ёшинг нечада?

-- Менинг ёшим олтида, синглим учга тўлди.

-- Байрам яхшими?

-- Зўр.

-- Қўлингдаги нима?

-- Байроқ. Ўзбекистоннинг байроғи.

-- Сенга нималар ёқди?

-- Ҳамма нарса...

-- Бугун қандай байрам?

-- Наврўз...

-- Сен нимани яхши кўрасан...

-- Ойижоним, дадажоним тинчлик бўлсин дейдилар!

-- Сен-чи?

-- Мен... Менга ҳар доим байрам бўлсин... Яна бир гап айтайми?

-- Айтавер. Газетада ёзаман.

-- Дадам айтадилар: Ёшим мустақиллик билан тенг экан...

Ана шундай. Бу элнинг кексасидан тортиб ёшгина болакайигача эзгулик ҳақида сўйлайди, яхшиликларни ўйлайди. Энг муҳими, бизнинг келажагимиз — болажонлар руҳияти озодлик нуридан ёришган. Улар бу юрт, бу байрам, бу Ватан ўзиники эканлигини билишади. Юртнинг байроғидан тутиб турган қулочлари эртага она -- Ўзбекистонни кўтаради. Эртанг Менинг, Сизнинг, Ватаннинг тақдири ана шу озодлик болаларининг қўлида бўлади.

Байрам сайлининг қоқ марказида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган кишиларнинг кайфиятида омон-омон кунларга шукуроналикни сезиш мумкин.

**Бизга суҳбатдош: Зайнабхон опа ЖУМАЕВА. Шўрчи шаҳри, С. Айний кўчаси, 17 уй.**

-- Байрам, Наврўз бошқача-да. Худойим, бахт-саодат элимизни тарк этмасин. Юртбошимиз омон бўлсинлар. Болаларимиз бахтига тинчлик бўлсин. Шундай гўзал шаҳарларимизда ҳамиша одамлар бир-бирига меҳрибон бўлиб юрсинлар...

-- Опа, Тошкентда ўтаётган бошқа байрамларда ҳам қатнашганмисиз?

-- Ҳа... ҳар бир байрам ўзича чиройли ўтади. Қаранг, қандай ажойиб. Ҳамма шод. Президентимиз ҳам одамларнинг хурсандчилигини кўриб тургандирлар-а?

-- Ҳа, опа. У киши сизни ҳам, мени ҳам, ҳаммани кўраяптилар. Агар сиз завқлансангиз, шод бўлсангиз Президентимиз ҳам қувонадилар. Бутун элимизнинг қувончи у кишининг қувончи.

Кишилар қалбида илдиз отган эзгуликлар инъикосидан дилимиз чароғон бўлди. Энди топдим... Кун ҳамишагидек эди. Фақат одамлар юраги чароғон эди. Қуёш ҳамишагидек эди. Бироқ кишилар кўнгли янада ёруғ эди. Демак, кун ҳам чароғон.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАНТАНАЛАРИ ШОДУ ХУРРАМЛИК БИЛАН НИШОНЛАНМОҚДА

## НАВОИЙ



НУРОТА ТУМАНИ. Эрта тонгданоқ «Нурота» жамоа хўжалиги марказидан бир неча юк машинаси ва автобус чорвадорларнинг отарлари томон йўл олди. Юк машинаси кузовларида қишловни муваффақиятли якунлаб, қўзилатиш мавсумини бошлаб юборган чўпон-чўлиқларнинг оиласи учун кўклам таомлари -- сумалак ва ҳалим бор эди. Шу куни хўжалик раҳбарлари етмишта отарда бўлиб, чорвадорларни байрам билан табрикладилар. Фольклор дастаси аъзолари эса ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан уларнинг қувончига-қувонч қўшди.

ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИ. Туман ҳокимлиги ходимлари 28 оила хонадонига ташриф буюриб, пиру бадавлат отахону онахонларни катта шодиёна билан қутлашди. Уларга вилоят ва туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди. Дилбар суҳбат асносида эса юз ва ундан кўпроқ йил умр кўраётган қарияларнинг дуолари олинди.

НАВОИЙ ШАҲРИ. Бу ерда, айниқса, байрам тантаналари ўзгача ўтди. «Тинчлик», «Халқлар дўстлиги», Навоий шоҳ кўчалари чинакам сайилгоҳга айланди. Дошқозонларда сумалак ва ҳалим пиширилиб, аҳолига тарқатилди. Шу куни «Меҳрибонлик уйи»да ҳам байрам дастурхони ёзилиб, вилоят ҳокимлиги номидан тарбияланувчиларга совғалар топширилди.

«Сўғдиёна»стадионида турли спорт мусобақалари ва халқ ўйинлари бўйича беллашувлар ўтказилган бўлса, Фарҳод майдонидаги саҳнада эса байрам иштирокчилари учун ўзбек, қозоқ, рус, тожик тилида катта концерт дастури намойиш қилинди.

Биз шодиёна қатнашчиси, «Цемент» ҳиссадорлик жамияти ишчиси Абдураҳмон Нуриллаев билан суҳбатлашиб, ундан ўз таассуротларини ўртоқлашишни сўрадик.

-- Шаҳримизда бу галги Наврўз байрамига тайёргарлик анча илгари бошланганди, -- деди у. -- Шу боис ҳам у ғоят тантанали нишонланди. Ҳамшаҳарларим ўзиям бир йиллик чарчоқларини ёздилар-ов! Муҳими, биз 1997 йил чиндан ҳам инсон манфаатлари йили сифатида бошланганининг гувоҳи бўлдик. Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарларига раҳмат!

-- Наврўз ҳақиқатан тинчлик ва дўстлик байрамига айланди, -- дея суҳбатга қўшилди Зарафшондаги Марказий кон бошқармаси ишчиси Андрей Иванов. -- Негаки, нафақат ўзбеклар, балки руслар, украинлар, немислар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бу кунни баҳор ва янгиланиш шодиёнаси сифатида нишонладилар.

... Фарҳод майдонидаги байрам тантаналари кеч оқшомга қадар давом этди. Дилларга қувонч, кўнгилларга таскин берувчи бу тантаналар вилоятнинг турли бурчакларидан бу ерга келган меҳнаткашларнинг қалбида узоқ вақт сақланажак.

**Т. ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАМАНГАН



Баҳорий байрамнинг хуш наволари Наманган воҳасига ўзгача файз ва таровaт бахш этди. Кўча ва майдонлар одатдан ташқари гавжум. Одамларнинг юз-кўзларида қувонч ва ҳаяжон. Бутун борлиқ ажиб сururга, шифобахш неъмат -- сумалакнинг хушбўй ҳидига тўлиб-тошгандек. Юракни энтиктирувчи ана шундай кўтаринкилик узра карнай-сурнай садолари янграб, ҳаммани Наврўз шодиёналарига чорлайди.

Вилоят марказидаги «Бобур» номли маданият ва истироҳат боғи бугун 300 га яқин ташкилот, корхона ва хусусий тадбиркорлар ихтиёрида. Атрофда Наврўзи олам нафаси кезади. Ташкил этилган турли кўргазмалар, ҳаваскорлик тўгаракларининг чиқишлари, турфа хил Наврўз таомлари -- ҳаммаси табиий ва жозибали. Қайси даврага кирманг, дастурхонга таклиф этиб, олдингизга сумалак қўйишади. Вилоят марказидан то чекка қишлоқларгача ана шундай хуш кайфият ҳукмрон бугун.

-- Шу кунларга етказганига шукур, -- дейди Учқўрғон туманидаги «Тегирмон» маҳалласида яшовчи фуқаро, 80 ёшли Абдусаттор ота Низомов. -- Мустақиллик халқимизга Наврўзни, унутилиб бораётган диёнат, меҳр-оқибатни қайтиб берди. Кеча маҳалламизда икки ёшнинг никоҳ тўйини ўтказдик. Бу билан нафақат икки юракни, балки уларнинг ўтиб кетган ота-оналари руҳини ҳам шод этдик, деб ўйлайман.

Абдусаттор ота ҳақ. Бугун ҳар бир юртдошимизнинг қалбида фахр-ифтихор туйғуси жўш урмоқда. Зеро, Наврўз нафақат баҳор ва меҳнат байрами, балки меҳр-оқибат, инсонийлик рамзи ҳамдир. Наманган туманидаги «Абсалом» хусусий фирмаси 11 нафар, Косонсой туманидаги Тергачи қишлоқ фуқаролар йиғини 8 нафар кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг болаларига хатна тўй қилиб беришди. Вилоят бўйича бундай хатна ва никоҳ тўйларининг сони 1 ярим мингдан зиёддир.

Ўзбекистон -- Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган «Аснамтекстил» қўшма корхонаси жамоаси байрамни катта меҳнат ютуқлари билан қарши олди. Бу ерда пахта толасидан йилига 3 минг тоннадан зиёд ип ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ҳозир корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг 90 фоизи четга сотилмоқда. Бу эса нақд валюта деганидир.

Шу куни шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ёлғиз қариялар, ногиронлар, камхарж оилалар чинакам инсоний эътибор ва моддий ғамхўрликдан баҳраманд бўлишмоқда.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САМАРҚАНД



Кеча эрта тонгданоқ Самарқанднинг юраги бўлмиш Регистон майдонида янграган карнай-сурнай садолари шаҳарликларни байрамга чорлади. Бу ердаги шоирлар боғида эрта саҳарда «Самарқандни ривожлантириш» жамғармаси тантана иштирокчиларини табриклади.

Байрам кунлари вилоятда ўнлаб янги иншоотлар-маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари, кичик корхоналар, янги цехлар, савдо дўконлари фойдаланишга топширилди. Масалан, биргина шу куннинг ўзида Темир йўл туманидаги «Самросс-Лада» қўшма корхонасининг мармар цехи очилди. Шаҳардаги 3-туғуруқхонанинг янги бинолари, Сиёб туманидаги Масжиди Нақшин маҳалласида эса «Маънавият ва маърифат» марказлари ишга туширилди. Каттақўрғон туманидаги Марди Султонов номли агрофирманинг кичик пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилди. Уларни ишга тушириш тантаналари ҳам байрам шодиёналарига уланиб кетди. Бундай янги корхоналар вилоятдаги ҳар бир шаҳар ва туманда ўнлаб топилади.

--Эскидан байрам болаларники, деган гап бор. Тўғри айтилган. Лекин тинч, осуда ҳаётимизда нишонланаётган бугунгидек тантаналарни кўриб биз катталар ҳам юрагимизга жўшиб келган севинч туйғуларини яширолмаймиз,--дейди Ўзбекистон қаҳрамони, машҳур таъмирчи уста Мирумар Асадов. -- Бу байрам томошаларида мени яна бир нарса қувонтирди. Регистонда халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати намуналари кўргазмаси яхши ташкил этилибди.

Шу куни самарқандликлар ўз фарзандларига ажойиб туҳфа тайёрладилар. Вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракатлари билан бу ерда янги барпо этилган болалар боғининг очилиш маросими ҳам ўтказилди.

**М. МУҚИМОВ.**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СИРДАРЁ



Бу йилги Наврўз тантаналарини сирдарёликлар алоҳида кўтаринкилик ва хушнудлик билан нишонламоқдалар. Сабаби кузги-қишки дала ишлари оби-тобида ўтказилди, кўкламги юмушларга мавжуд техника шай бўлиб турибди.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида Наврўз арафасида ободончилик ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилди. Айниқса, вилоят маркази Гулистондаги ўзгаришларни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Фақат кейинги 4-5 ой ичида «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасининг автосалони, таъмирлаш цехи «Асакабанк»нинг вилоят бўлими қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, янги қурилган «Пахтабанк», «Бизнесфонд» бинолари эндиликда шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Юз хонали турар-жой бинолари шаҳарликларга байрам туҳфаси сифатида ҳадя этилди. Шаҳар ва қишлоқлар ўзининг орасталиги, одамларнинг кўтаринки кайфияти билан бу йил ўзгача чирой касб этмоқда. Одамлар турмушимизда бўлаётган ўзгаришларни мамнуният билан қабул қилишмоқда.

Биз Наврўз куни суҳбатда бўлган Оқолтин туманидаги фермер Бегмат ота Жойнақов ўз қувончини изҳор этиб, яқинда бўлиб ўтган вилоят ташаббус танлови ғолиби бўлиб, 6 миллион сўм имтиёзли қарз олиш ҳуқуқига эга бўлганлигини билдирди.



Гулистон университети талабаси Феруза Бектемирова эса «Умид» жамғармасининг иқтидорли ёшларни қўллаб қувватлашлари борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

Наврўз байрами Гулистоннинг марказий ўйингоҳида, Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали ва драма театри майдонида, яшил театр ва хиёбонларда нишонланди. Энг муҳими -- мирзачўлликлар яшаш ва яшариш, умид ва орзулар байрами бўлмиш Наврўзни шоду хуррамлик билан кутиб олдилар. Бу шодлик куйланган куй ва қўшиқларда, карнай ва сурнай садоларида мустақил мамлакатимизнинг буюк келажагига умид ва ишонч билан кўз тикиб турган минг-минглаб кишиларнинг юз-кўзларида зоҳир бўлди. Бу одамларнинг бахт ва баҳор байрами -- Наврўз уларга омад, иқбол олиб келишига ишончлари комил эди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СУРХОНДАРЁ



Сурхондарёнинг табиати ва иқлими ўзига хос: январнинг охирида ўрик гуллайди. Наврўз эса баҳордан бир ой олдин келади. Шунинг учун аҳоли қишнинг қандай ўтиб кетганини билмай қолади. Айниқса, бу йил қиш жуда қуруқ келди -- декабрда осмондан бир томчи ҳам қор-ёмғир тушмади. Аммо баҳорда ёғингарчилик шу даражада сероб бўлдики, бу кузнинг баракали бўлишидан далолатдир. Сурхондарёликлар бундан қувонган ҳолда Наврўз байрамини кўтаринки кайфият билан кутиб олмоқдалар.

Байрам тантаналари эса Наврўздан бир ҳафта, ўн кун илгари бошланганди. У ҳамма жойда умумхалқ байрамига айланиб кетди.

Байрам муносабати билан ёзилган дастурхонларнинг ҳаммасига танқис таом -- сумалак тортилди. Бундан ташқари, қозонларда ошлар дамланди. Маҳаллий санъаткорлар эса давраларни қизитди.





Барча туманларда эҳтиёжманд оилаларга байрам совғалари улашилди.

Томошанинг энг каттаси Термиздаги бош майдонда бўлиб ўтди. Байрам муносабати билан бу майдон қайтадан жиҳозланди. Майдонга туташ боғда эса вилоятнинг барча туманлари ўз қўрғонларини бунёд этишди. Узун туманининг мовий тусли қўрғони ҳаммани қойил қолдирди.

-- Илоё, бу ҳурсандчиликларимизнинг охири бўлмасин, -- дея дуо қилди сариосиёлик Ҳанифа момо Абдураҳмонова.

Шу куни вилоят ҳарбий бўлинмаларида ҳам Наврўз миллий байрам сифатида нишонланди. Шу муносабат билан ёзилган дастурхонларга анвойи таомлар тортилди.

Эртага эса -- ҳамма ишга! Чунки вилоят бўйича чигит экиш ёппасига бошлаб юборилди.

-- Қисқа муддатларда экиш-тикиш мавсумини муваффақиятли якунласак, марра бизники! -- дейишмоқда пахтакорлар.

Зотан, йилнинг баракотини Наврўз белгилайди. Наврўз эса бу йил Сурхондарёга кулиб-кулиб, яшнаб-яшнаб келди. Илоё, унинг бу ташрифи элу юртга фаровонлик келтирсин!

**Т. РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Бугун озод ва мустақил юртимиз узра Наврўз шодиёналари ҳукмрон. Дилларда қувончу ифтихор туйғулари жўш уради. Она ер ҳидини соғинган бободеҳқондан тортиб, дошқозонлар тепасида куймалашаётган бувижонларимиз ва аяжонларимизгача -- ҳаммаҳаммада ўзгача бир оройиш, кўтаринкилик. Баҳор дастурхонини безаган тансиқ таомларнинг ҳиди димоқни қитиқлайди. Дуога қўл очган отахонларнинг тилида шукроналик: «Илоҳим юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка кўз тегмасин. Дўстга зор, душманга хор бўлмайлик. Омин!..»

Зеро, Наврўз орзиқиб кутилган умумхалқ шодиёнасигина эмас, янги ҳаётнинг бошланиши, яхши тилакларнинг ижобати ҳамдир. Дала ва боғларда иш қизигандан-қизимоқда. Мустақилликнинг олтинчи йилида нишонланаётган ўзбекона қадимий байрамни Тошкент вилояти меҳнаткашлари ҳам пухта ҳозирлик билан кутиб олдилар. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан февраль-март ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги, деб эълон қилинди. Белгиланган тадбирлар асосида Тошкент -- Олмалиқ, Тошкент -- Тўйтепа, Тошкент -- Чиноз, Тошкент -- Чирчиқ йўналишидаги шоҳ кўчаларда катта миқёсдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кўчат экиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш давом эттирилмоқда.

Ҳашар халқимизга хос гўзал ва ажойиб одатлардан биридир. Бу борадаги анъаналарга амал қилиш ўз самарасини бермоқда. 1 ва 15 март кунлари вилоятда оммавий ҳашар ҳамда хайрия марафони ўтказилди. Тушган маблағнинг асосий қисми серфарзанд оилалар, ёрдамга муҳтож, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш учун сарфланаётир. Шуни айтиш керакки, вилоятнинг Қуйичирчиқ, Бўка, Чиноз, Оққўрғон, Зангиота, Бекобод ва бошқа туманлари ҳамда шаҳарларида Наврўз муносабати билан катта миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди. Кўплаб янги иншоотлар, савдо дўконлари, тиббиёт, маданий-маиший муассасалар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 9100 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронлари, 3720 нафар кам таъминланган кишилар, 400 нафар чернобилчиларнинг моддий талаб-эҳтиёжлари ўрганилиб, уларга ҳомийлар томонидан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

-- Бу йилги Наврўзнинг файзу таровати бўлакча, -- дейди Зангиота туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалиги тадбиркори Шуҳрат Асқаров. -- Барча қатори вилоятимиз меҳнаткашлари ҳам уни чексиз ғурур ва шоду хуррамлик билан нишонламоқдалар. Қайси хонадон ёки қайси даврага бош суқманг, меҳр ва қувонч қалбингизни яйратади, вужудингизга тетиклик бағишлайди. Мустақиллик шарофати билан деҳқон ер ва эрк олди. Бу эса унинг келажакка, ўтказилаётган ислоҳотларга ишончини мустаҳкамламоқда. Айниқса, Президентимизнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисидаги Фармони биз, тадбиркорларни янада руҳлантириб юборди. Ушбу муҳим ҳужжатнинг Наврўз арафасида қабул қилинишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зеро, деҳқон маъмурчилик бунёдкори. Зироат аҳлини ва унинг меҳнатини қадрлаган мамлакатнинг келажаги эса порлоқдир.

Бу каби самимий, қайноқ дил сўзларини байрам тантаналарига отланган ҳар бир кишидан эшитиш мумкин эди. Пойтахт вилоятининг шаҳар ва қишлоқлари Наврўз куни эрта тонгданоқ гавжум бўлди. Карнай-сурнай садолари одамларни Юқори Чирчиқ туманидаги марказий «Дўстлик» ўйингоҳига -- вилоят миқёсидаги байрам шодиёналарига чорлади. Бу ерда улар турли халқ ўйинлари ҳамда кўнгилочар тадбирлардан баҳраманд бўлиб, қизиқарли спорт мусобақаларини томоша қилдилар. Савдо кўргазмалари ташкил этилди. Байрам дастурхонлари ёзилиб, бадиий ҳаваскорлар ижросида ранг-баранг концерт номерлари намойиш этилди. Қисқа қилиб айтганда, кўтаринки руҳда ўтган Наврўз тантаналари вилоят аҳли қалбида бир умр муҳрланиб қолади.

**Н. ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ФАРҒОНА



Бу йил Фарғона шаҳридаги дўстлик хиёбонида Наврўз тантаналари арафасида 2000 кишилик амфитеатр фойдаланишга топширилди. Баҳор байрамининг асосий тантаналари мана шу майдонга кўчди. Театрлаштирилган томошада туркий халқларнинг қадимий анъаналари, расм-русумлари халқимизнинг истиқлол туфайли ўз қадрини топаётган бой маданияти, маърифати билан уйғунлашган ҳолда намойиш этилди. Икки соатлик томоша бошидан охиригача сафроз наволар, водий боғларининг шивирлаши, анҳорларнинг мавжланиши, табиатнинг яшариши, инсон меҳнатининг, саодатининг улуғланиши билан узвий боғланиб кетган.

Наврўз тантаналари давомида шаҳардаги ал-Фарғоний номли истироҳат боғида етим-есирлар ва кўп болали оилаларга бепул дастурхон ёзилди. Фарғона шаҳар ҳокимлиги эса тантаналарда иштирок эта олмайдиган 600 га яқин ёлғиз қариялар, ёрдамга муҳтож хонадонларга ташриф буюриб, Наврўз армуғонларини топширишди. Байрам арафасида вилоятда турли хил халқ хўжалик объектлари, маданий маиший муассасалари, ишлаб чиқариш бинолари фойдаланишга топширилди. Юздан ортиқ янги бинолар ишга туширилди.

Куни кеча Ёзёвон туманида шифохона фойдаланишга топширилди, Тошлоқда «ЎзДЭУтекстил» корхонаси маҳсулот бера бошлади. Қувасойда 840 ўринли мактаб, Қўқон шаҳрида деҳқон бозори, Бувайда туманида 850 ўринли лицей-мактаб байрамга муносиб совға бўлди.

Тантана қатнашчиларини мулоқотга чорладик.

**Неъмат МАМЕДОВ, Фарғона туманидаги Шодиева жамоа хўжалиги боғбони:**

-- Наврўз байрамини биз боғбонлар алоҳида интиқлик билан кутамиз. Айнан Наврўз кунларидан бошлаб боғбонлар учун чинакам янги йил бошланади. 30 йилдан буён боғбонлик қилиб келаман. Шу йиллар қадрдон боғларим қўйнида кутиб олишга одатланганман. Бу йилги Наврўз кунларида 5 гектар майдондаги янги мева кўчатларини пайвандлашни бошлаб юбордик. Келаси йили бу кўчатлар асосий боғларга кўчади. Нафақат туманимизда, балки водийдаги яшнаган мевазорларнинг кўчатларини ўзимиз етиштириб бераётганлигимиздан ғурурланамиз.

**Раҳматали ҳожи АҲМАДАЛИЕВ, Охунбобоев туманидаги Қоражийда қишлоғилик меҳнат фахрийси:**

-- Устозим ўзбек қовуни довруғини бутун дунёга ёйган асл деҳқон, марҳум Абдазхон ота Алигавҳаров Наврўзни яхши кўрар эди.

У кишидан қолган анъанага кўра, Наврўз кунлари далага эртанги экинлар қадашга чиқамиз. Ҳар йили қовуннинг 20 дан ортиқ турини етиштириб эл дастурхонига тортиқ этамиз.

Вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда театрлаштирилган байрам томошалари катта шодиёналар билан ўтмоқда.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХОРАЗМ

Байрам куни Урганч шаҳри бўйлаб кезарканмиз роппа-роса йигирма жойда катта дошқозонларда сумалак одамларга текин улашилаётганининг шоҳиди бўлдик. Наврўзнинг инсоний фазилатлар, дину-иймон, эътиқод ва диёнат билан йўғрилган руҳи бутун борлиғи билан намоён бўлаяпти. Одамлар ўзларини руҳан тетик, озод ва эркин ҳис этмоқдалар. Айёмнинг барча расм-русумлари ихлос ва эътиқод билан адо этилаяпти. Байрам иштирокчилари учун тайёрланган сумалак ва хоразмча сузма паловлар барча жойда бепул тарқатилди, ҳунармандлик ва ишбилармонлик намуналари кўргазмалари, кўрик-танловлари ўтказилди. Ўнлаб, юзлаб ғолиблар муносиб совринлар, мукофотлар билан тақдирланди. Боғот туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви байрам мусобақалари ғолиблари учун учта новвосни соврин тариқасида ажратгани эса ўзбекона бағрикенгликдан далолатдир.



-- Миллий удумларимизга бой тўй-томошалар халқимиз дилини яйратиб яшартиришга хизмат қилаяпти, -- деди биз билан мулоқотда бўлган ҳазорасплик ҳунарманд-тадбиркор Ҳусайн Маткаримов, -- мустақиллигимиз шарофати билан бошланган кўламдор ислоҳотлар орзиқиб кутилган иқтисодий юксалишларга замин яратди. Паҳловон Маҳмуд номли кичик корхонамиз вилоят ҳунармандларининг анъанавий Наврўз олдидан ўтказилган танловида қатнашиб, юқори ўринни эгаллади. Байрамда очиқ юз ва кўтаринки кайфият билан қатнашаяпмиз. Биз тиккан хоразмча миллий пўстинлар, бельгияча дублёнкалар, кийим-кечаклар кўп сонли харидор ва мижозлар эътиборини тортаётганидан мамнунмиз. Куни кеча ишга тушган янги тикувчилик ва тўқимачилик фабрикамиз юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Буни Наврўз айёмига ҳозирлаган кўргазмамиз байрам қатнашчиларига манзур бўлаётганидан ҳам билса бўлади.

-- Халқларнинг миллий туйғулари топталган эски тузумда мен сингари оддий мусиқачи ўзбек санъатини жаҳон саҳнасида намойиш қила олармиди, -- ҳаяжонини яшира олмай деди қадимий Хивада бўлган тантаналарда сидқидилдан хизмат қилган талантли созанда Матрасул Матёқубов, -- Мен шу бахтга муяссар бўлган инсонман. Корея республикасида биз намойиш этган ўзбек миллий санъати жаҳон мусиқа жамоатчилигининг эътиборини тортди. Созанда сифатида жаҳон танловида биринчи ўринни олишга, рости, кўзим етмаганди. Лекин, биз бунга муваффақ бўлдик. Аслида мен эмас, ўзбек санъати ғолиб чиқди.

Хоразмнинг барча шаҳру-қишлоқларида байрам ана шундай тантанавор руҳда ўтяпти.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚАШҚАДАРЁ



Асрлар мобайнида ота-боболаримиз ҳам ушбу кунни байрам қилиб келганлар. Бироқ, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бу байрам чуқур мазмун касб этиб бораётгани қувончлидир. Наврўз инъом этган хуш кайфият, унинг ҳаётбахш нур-зиёси бугун соҳибқирон Амир Темур ота юрти -- Қашқадарёда ҳам ҳукмрон. Дарҳақиқат, ушбу янгиланиш, покланиш айёмини қашқадарёликлар катта меҳнат ютуқлари, ўзига хос сурур ва интизорлик билан кутиб олдилар. Ўтган бир йил мобайнида қарийб 700 минг квадрат метр турар-жойлар, 5,5 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, бир неча шифохоналар, мактабгача тарбия масканлари фойдаланишга топширилди.

Муборак газни қайта ишлаш заводининг йилига 2 миллиард куб метр газни қайта ишлашга мўлжалланган 15-блоки, Аланга газ конида йилига 5 миллиард куб метр табиий ёқилғини қайта ишлаб берадиган қурилма, Шўртанг газ конлари бошқармасида йилига 60 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди.

Кўкдумалоқ нефть ва газ конини ўзлаштириш борасида улкан ҳажмдаги ишлар амалга ошди. Катта ҳажмда нефть, газ, газ конденсати ишлаб чиқарилишига эришилди. Шунингдек, ушбу айём арафасида беморлар, қариялар, ёлғиз кишилар, кам даромадли, кўп болали оилалар ҳолидан хабар олинди. Қишлоқларда, туман марказларида маҳаллаларда баҳорий таомлар тайёрланиб, концертлар, театрлашган томошалар уюштирилди, қадриятларимизни улуғловчи гурунглар ўтказилди. Туманларнинг марказларида, шаҳарларда хўжаликлардан, фермерлар томонидан келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилди.

Байрам тантаналарининг энг каттаси вилоят маркази -- Қарши шаҳрининг мустақиллик майдонида бўлиб ўтди.

Наврўз байрами тантаналари қадриятларимизни, мустақиллигимизни улуғловчи оммавий сайилга айланиб кетди.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

